



ЧОРШАНБА

Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри Сотувда эркин нархда

2

* Бойовул — ўз номига муносиб овул!
* Чиким бўсагина кирим бўлади-да, ука!

3

* Яхши таълим фақат махсус мактаб-дами?!
* Манзилию мавзуси турфа мактублар...

4

* «Отам мени сақлаб қолиб, оёғини синдирганди...»
* Мири Хомушоннинг маҳзун шеърлари...

«Маҳалла»да тадбир

ТАДБИРКОРЛИК: СОЛИҚЛАР, ИМТИЁЗЛАР

Бунда маҳалланинг ўрни қандай бўлади?

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Маҳалла зиёси» ўқув услубий маркази ташкил этган «Тадбиркорлик, солиқлар ва имтиёзлар» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда солиқ идоралари, Республика «Маҳалла» жамғармаси раҳбар ва ходимлари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди. Анжумани Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж.Сайфуддинов, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойтибоевлар кириш сўзи билан очилди.

Солиқлар тўғрисида, шу билан бирга давлат хазинаси ҳақида ўйланганимизда Юртбошимизнинг «Солиқлар - бунёдкорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шу гапнинг маъноси ҳаммамиз ҳам бирдай чакялғимиз, унинг туб моҳиятида қандай мақсад ётибди, нималарга даъват этипти, каби қатор саволлар миямизда чарх уради. Агар бундан дўпғили олиб қўйиб, бундоқ мулоҳаза қилиб кўрсак, мамлакатимиз мустақиллигидан кейин давлатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида халқ фаровонлигини оширишга қаратилган бир неча қонун ва қарорлар қабул қилганининг шохиди бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги «Жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги 562-сонли, 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 391-сонли, яна худди шу кун қабул қилинган «Бозорни исстеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 390-сонли қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда)

Шу куннинг мавзуси

Юртимизда иқтисодий ислохотлар талаблари билан келиб чиқиб, чет эл сармоёлдорларини кенг жалб этаётган шаҳар, туманлар сони тобора ортиб бораётир. Бу - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат моллари ишлаб чиқаришда жаҳон андозаларига мос сифатни таъминлаш имконини бераётир.

Ишлаб чиқариш корхоналари замонавий технология билан жиҳозланганлиги тўғрисида маълумотлар, ҳам қўлқам, ҳам бежирим ва узок мудатта кафолатланган қий-


Ёки бўлмаса радио, осма соат батареякаларини олиб кўринг. Унинг қуввати бир ҳафтага ҳам етиб бормайди. Қисқа қилиб айтганда, савдогарларимиз олис-хориж-

ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ...

им-кечаклар, пойабзаллар савдога чиқарилмоқда. Чунинчи, пойтахтдаги «Юлдаш», «Малика», «Чевар», Чирчиқдаги «Гуница» ва бошқа виллоятлардаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган товарлар харидорларнинг қўлига етиб бормайди. Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида тайёрланган оёқ кийимлари эса бир неча хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Бундай мисолларни яна кўпайта келтириш мумкин. Бироқ негадир ўзимизда тайёрланган маҳсулот, товарларни қўл учидан кўрсатиб, усти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлса-да чет эл молларини тарғиб қилиш олатга айланди. Агар Сиз буюм бозоримизга разм солсангиз аинқиқа, Хитойдан келтирилган моллар кўпчилиги шохид бўлган. Кўпгина харидорлар уни олишяпти ҳам. Чунки улар нисбатан арзон, кўриниши ҳам хуноқ эмас. Лекин арзоннинг шўрваси татимас деганларидек, бу товарлар хусусий корхоналарда тайёрланган бўлиб, жаҳон мезонлари талабларига жавоб берайди. Уни бир марта олган харидор, иккинчи марта бу хатосини такрорламайди. Сабоби у бир ҳафта ё ўн кунгагина чидайди, холос. Дарвоқе, хорижлик фирма эгалари ҳам анойи эмас. Ўз молларини Урта Осиёлик сода тадбиркорлар учун мўлжаллаб ишлаб чиқарётганлари айни ҳақиқат.

Пойтахтимиздаги Сайилгоҳ кўчаси ўз номи билан шаҳарликларнинг ва пойтахт меҳмонларининг кўп марта қадими етдиغان макани. Қолаверса сайилгоҳ - ўз номи билан сайилгоҳ. Уш сайилгоҳнинг бир томони фақат ошхоналардан иборатлиги қилини ажаблантиради. Нега шундай? Сайилгоҳга кишилар фақат таом ейиш учун келмайди-ку? Бунинг устига ўша ошхоналарнинг хом ва пиширилган таомлари қўнанинг ўртасига чиқариб қўйилгани-чи. Худди таомлар кўртгамасидикидек. Буюм майли, ўша ошхоналарнинг ҳар биридан икки-уч хоним ўртага чиқиб олиб, йўлингизни тўсишни, ўз ошхонасига таклиф этиверишни, таомларни мактайиш, ҳатто қўлингиздан тутиб, етаклаб олиб киришга тайёрлигини, изингиздан то наватбадгаги таклиф этивчида эргашиб боришини айтмайсизми? Бу сайилгоҳга овқат ейишдан бошқа мақсадда кириб қолган одам сайилгоҳнинг у бошидан бу бошига етгунча даярли ҳар қадамда шундай «йўлтўсар таклифчилар»га рубўрў келиши ва уларга овқат емаслигини тушунтириши, ҳатто уларни йўл беришини ҳам кўтмай четлаб ўтишга

Юртимизда Наврўз нафаси сөзлүмоқда



Р.ГАЛИЕВ олган сурат

— Бу ниҳол улкан дарахтга айланган, мевага кирган паллада сен ҳам қамолага етган бўласан-да, набирагим!

Қорақалпоғистон Республикаси

ОРОЛЬЎЙИДА СУМАЛАК САЙЛИ БОШЛАНДИ

Уйғониш, янгиликлар, тириклик рами Наврўзи оламни нишонлаш таралдуғига Орольўйи овул ва шаҳарларида бу йил айна барвақт киришди. Сумалак сайли ҳам ўтказилди бошланди. Бу миллий удумни Бўстон шаҳридаги Алишер Навоий номи маҳалла аҳолиси Орольўйида биринчи бўлиб бошлашди. Маҳалланинг қиз-жувонлари ўринбой Абдуллаев кўчасидаги Саодат Холмуродовлар хонадонига та ташриф буюришиб, дошқозонларда сумалак тайёрлашга киришди.

Дошқозонда қайнаётган сумалакларни кўриб, айниқса маҳалла болаларининг, ёш-ялангларнинг қўнчи кексиз бўлди. Хушовоз қиз-келиндяларнинг баҳорни, Наврўзи оламни, яшарётган она табиятин таранум қилган улан ва ашулалари талбери алоҳида зилқ-шавқ бағишлади. Сумалак сайли шарофати билан одамлар қалбига шўх-шордонлик бахш этаётган бир пайнда маҳалла ёшуллари, фаоллари ҳам Эллиққалъа олтин толаси - ҳиссадорлик жамияти клубига йиғилишиб яна бир савобли тадбир юзасидан маслаҳатлашди. Мақсад Наврўз байрами муносабати билан ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ойлигини самарали ўтказиш, Обод маҳалла йилида аҳоли ўртасида тинч-тотувликни, ҳурмат-иззатни қарор топтириш, ёшлар тарбиясига барқочинг эътиборини қаратиш мақсадларига бағишланди.

Мақалламизда 536 оила аъзолари тинч-тотув истиқомат қилди, - дейди А.Навоий номи фуқаролар йиғини оқсоқоли Ҳасанбой Аметов. - 17 та кўча мавжуд. Обод маҳалла йили муносабати билан мана шу кўчалар, уларда жойлашган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар иштирокда «Ибротли оила», ёшлар спортини ривожлантириш, қонунбузарликнинг олдини олиш каби қатор масалалар акс этган дастур ишлаб чиқилди. Унинг амалга оширишда «Эллиққалъа йиғини», туман Урмон хўжалиги, «Олтин толаси» жамоалари яқиндан кўмаклашмоқда.

«Тўйнинг бўлганидан, бўлади, бўладиси» яхши экан. Наврўзга тайёргарлик баҳона барча ички сув йўллари тозаланди. Ховлиларнинг санитария ҳолатлари яхшиланди. 1200 дан кўпроқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Яна 700 тупга яқин мевали дарахт кўчатлари ўтказилиши мўлжалламоқдамиз. Юқоридagi юмушларнинг бажарилишида маҳалламизнинг қатта-ю кичик аҳолиси яқин қатнашаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Аслибек ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» мухбири.

Прокуратура ва маҳалла

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: МАҲАЛЛА УНГА БОШ-ҚОШ БЎЛМОҚДА

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 961 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман прокуратураларининг бевоқиф ташаббуси билан уларнинг барчасида жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил қилинди

Гуруҳ аъзолари виллоят прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда халқ депутатлари виллоят Кенгаши сессиясида муҳокама қилиниб тасдиқланган «Жамоат, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан дарёғарлик ҳиссини шакллантириш дастури»га асосан ўз ваколатлари доирасида назорат олиб бормоқдалар.

Фарғона туманидаги Юқори воқил қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 1-аралаш моллар дўкони маҳалладаги 2394 нафар фуқарога хизмат қилади. Жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари томонидан ушбу савдо дўконинда кўриб чиқилганда маҳсулотлар савдога қўйилмагани аҳоли эҳтиёжи учун етарли тўғрива маҳалла аҳолиси бозорга қатнаб, қиммат баҳода уни, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотларини сотиб олаётгани аниқланди. Ҳисоб-китоб қилинганда йўл ҳаражати ва бозордаги ортиқча баҳо эъзига фуқаролар моддий зарар кўрган. Фарғона тумани прокуратураси томонидан ушбу масала бўйича тақдим этилган иккита даъво ариза Фарғона туманлараро фуқаролик судида кўрилиб, тўлиқ қаноатлантирилган.

Тошлоқ туманида 53 нафар яқка-ёғиз ногирон бўлиб, уларга туман молия бўлими томонидан ҳар ой 9 хил озиқ-овқат учун 228 минг 188 сўм пул ажратилди. Лекин туман давлат таъминоти идораси бошлиғи Р.Давронов «Омборда йўқ» баҳонаси билан ногиронларга гуруҳ ва бошқа маҳсулотларни вақтинча бермай келган. У назоратчилар тақдимномаси асосида туман прокуратураси қарори билан интизомий жавобгарликка тортилди.

Учкўприк туманидаги Сарикўрган қишлоқ фуқаролар йиғинида тузилган жамоатчилик назорати гуруҳи ўтказган

текширишда «Фарғона почтаси»нинг Учкўприк филиали томонидан Қирғиз, Қўқонбой ва Сарикўрган алоқа бўлимлари орқали пенсия ҳамда нафақа пуллари белгиланган муддатда берилмаётгани аниқланди. Жумладан, 28 июнгача 2214 нафар пенсия ва нафақа олувчиларнинг 627 нафарига 6 миллион 700 минг сўм пул тарқатилиб, қолган 1582 нафарига эса 15 миллион 400 минг сўм пул етиб бормаган. Ушбу ҳолат бўйича «Фарғона почтаси»нинг Учкўприк филиали бошлиғи М.Қаттабеков номига тақдимнома киритилди.

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Таҳририят манзили: Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Ҳомий: «Матбуот тарқатуви» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.



Наврўзи олам эшик қоқиб, ди ёрими зга ташриф буюраётган ушбу дамларда туманимизнинг ҳар бир қишлоқ, маҳалласи, хонадонлари-ю, кўчаларида ҳаёт қайнайдиган бўлади. Гўзалликка ошно қалб эгалари умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш, тантана билан нишонлаб, бир-бирига меҳр-оқибат, савоҳат кўрсатиш орзуси-ла нафас оляпти.

ГўЗАЛЛИККА ОШНО ҚАЛБЛАР

Етти яшардан 70 яшаргача барча-барча далага чиқиб, кўчалар, ариқ бўйлари, уватлар, далаларини хас-ҳашакдан тозалаш, мавжуд мевали ва манзарали дарахтларга шакл бермоқда. Янгидан кўпланб кўктерак, тод, манзарали ва мевали ниҳол кўчатлари ўтказишяпти, гулзорлар ташкил этмоқдалар.

Уйлар, жамоат бинолари, дов-дарахтлар оқданиб, дарвоза, эшик ва деразаларга пардоз берилляпти. Гулхоналар ташкил этиляпти.

Қишлоқлардаги кайвони, бағри дарё, меҳри уммон онахонларимиз эса бугдой майсаларини ўстириб, дошқозонларда сумалак, халиса тайёрлаб, меҳмону, ўғил-қизлар, қавм-қариндошларини сийлаш ҳаракатида.

Бундай хайрли, эзгу ҳаракат айниқса, Қўштепа, Мўндин, Гирликўрғон, Дурбеш, Каттақўрпа, Янги қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қўштепа, Мўндин, Ёлғорхўжа, Оқравот, Баланд чордара, Калиқўрғон, Мелихўжа маҳаллалари ва у ерда яшаётган аҳоли хонадонларида намунали ташкил этилган.

Туман маркази Қадан қўрғончаси, истироҳат боғи, ўйингоҳда айниқса, Наврўзга тайёргарлик авжида. Бу ерлар тозаланиб, ободлаштирилмоқда. Айниқса, ўйингоҳ умумхалқ байрами кўни миғнаб кишиларини қабул қилишга тайёрланыпти. Утиричлар таъмирланди, рангланяпти. Электр қуввати ўтказилиб, радио ўрнатилляпти. Туман маданият бўлимига қарашли «Заряфшон», «Чаман» халқ ансамбллари, маданият уйлари ва бошқа спортсарлар ҳам байрамга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Хулласи қалом, туман ҳокимлиги, байрамни ўтказиш комиссияси тузган Дастир асосида олиб бориляпти.

Ҳа, ушбу байрам ҳам йилдан кўра зақил, наъшидали ўтишга шубҳа йўқ.

Аскар ЖАЛИЛОВ.

Қарор ва ижро

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

ЙЎЛИДА

Самарқандда болалар спортини ривожлантириш мақсадида Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида қўшма қарор қабул қилинди.

«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарори бу борадаги катта ҳажмли ишларнинг бошланишига замин яратди. Қўшма қарорнинг асл мақсади ҳам ана шунга қаратилган. Маълумки, ҳукумат Қароридея республикамизнинг чекка-чекка маҳалла, қишлоқларидаги мактаб ўқувчилари, боғчада тарбияланаётган болажонларнинг ҳам спорт билан мунтазам шугулланиши учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан бирга, болалар спортини ривож-

лантириш жамғармаси ва ҳомий ташкилотлар кўмагида қулай шарт-шароитлар яратиш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, вилоятда болалар спортини тараққий эттириш мақсадида 20 та замонавий янги спорт иншоотини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган. 100 га яқин спорт майдончасини қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Вилоятдаги жамоа хўжаликлари раисларининг ташаббусларига кўра уларнинг биринчи ўринбосарлари спортчи тухассислардан тайинландиган бўлди. Мавжуд шарт-шароитлар намунали ташкил этилган мактабларда спорт майдончаларини ташкил этиш бўйича кўргазмали семинарлар ўтказилмоқда.

Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, катталар спортини болалар спорт билан аралаштириб юбормаслик лозим. Аслида шу мақсадда ташкил этилган жамғарма ҳам болалар спортини ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солиди. Жамғарма ҳисобига тушадиган маблағлар бошқа мақсадларга сарфланиши қатъ-

Tagbur

БАЙРАМ ЯҚИН, ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

Республикамизнинг барча ҳудудларида Наврўз байрамини муносиб қарши олиш ва ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Хусусан Тошкент вилоят маданият бошқармасида «Гул Наврўз - тақрор келур» деб номланган дастур устида қизғин тайёргарлик кўриляпти.

Ҳозир вилоят, туман ва шаҳар маданият ходимлари орасидан 130 га яқин иштирокчи танлаб олиниб, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти биносида машгулотлар бошлаб юборилган.

Ушбу дастурда азалий миллий қадриятларимиз ва уюмларимиз ўз аксини топган бўлиб, унда республикада хизмат кўрсатган артистлар, балетмейстерлар, бастакор ва шорлар иштирок этмоқда.

Тайёргарлик машгулотларида Оққўрғон, Ангрин Бекобод, Чирчиқ туманлари маданият ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти.

Рустам ЗОИРОВ.

ТАДБИРКОРЛИК: СОЛИҚЛАР, ИМТИЁЗЛАР

Бунда маҳалланинг ўрни қандай бўлади?

(Давоми, аввали 1-бетда)

Уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш каби муҳим йўналишлар ташкил этади.

Давра суҳбати иштирокчиларининг асосий диққат-эътибори оқоридаги каби масалаларга қаратилгани бежиз эмасди. Чунки, ишлаб чиқариш ривожланган жойда биринчи навбатда маҳалла фуқаролари учун иш ўринлари пайдо бўлади. Иккинчидан, тадбиркор даромадининг маълум қисмини хайрия мақсадларида фойдаланиши ёки бир нента кам таъминланган оилани ҳомийликка олиши, бир сўз билан айтганда, у маҳалланинг маданий-маиший тадбирларида баҳоли қудрат қатнашиши мумкин. Улар сони қанча кўп бўлса, демак, шунча тез ишсизлик муаммосини ҳал этса бўлади. Масалан, хорижда кичик бизнеснинг улуши 80-85 фоизга тўғри келади. Ҳўш, нима учун бундай тажрибани қишлоқ, маҳаллаларда кенг қўллаш мумкин эмас?!

Шу ва шунга ўхшаш тадбирларга бош-қош бўлишда солиқ идораси вакили, маҳалла оқсоқоли, фаолларнинг саъй-ҳаракати, ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳамкорлик давлат солиқ тушумларини кўпайтириш, хуфёна ишлаб чиқаришга барҳам бериш имконини яратган бўлур эди.

Давра суҳбатида қатнашаётган солиқчилар, «Маҳалла» жамғармасининг шахар, туман бўлими ва бўлимлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари оилавий бизнес, тадбиркорликни янада ривожлантириш мамлакат миқёси даражасидаги иш эканлигига урғу бериб, давлатимиз фақат маҳаллалардаги тиждоратни кенгайтириш учун 30 миллиард сўмлик маблағ ажратганини алоҳида таъкидлашди. Демак, чиким бўлган жойда қирим ҳам бўлиши керак.

Давлатга солиқ тушумларининг тушишини барқарорлаштириш - ҳозирги куннинг энг долзарб вазифасидир. Бунинг учун жойларда давлат солиқ сибаситини, тегишли қонун ва ҳукумат қарорлари юзасидан тўғри ва изчил тушунтириш ишларини олиб бориш кўзланган самарани бериши мумкин. Айниқса, солиқ тўлашдан қочиб юрган шахсларни фощ этиш, уларга қарши курашиш муҳим масалалар сирасига қиради. Чунки бундан давлат ҳам, маҳалла ҳам, истеъмолчи ҳам зарар кўрмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатида солиқ тизимини шу йилнинг 1 январидан бошлаб амал қилаётган ўзгаришлар ва имтиёзлар ҳақида ҳам сўз борди.

Ўзаро мулоқот чоғида яна шу нарса қайд этилдики, солиқнинг 100 фоиз тўланишини таъминлаган маҳалла республика Давлат солиқ кўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Ҳош ишчанлик, қизғин баҳслар руҳида ўтган йилги иштирокчиларининг кўпал саволларига Ўзбекистон Давлат солиқ кўмитаси раиси Ж.Сайфуддинов, кўмитанинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари Р.Норбўтаев, Ф.Ҳошимов ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Гадоибовлар жавоб бердилар.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Mahalla» мухбири.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР

* 2003 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, муқофотлари ва бошқа даромадларидан солиқ кўйидаги миқдорларда олинади:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 32 фоиз

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги «Жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги 562-сон қарорининг амал қилиши сақланган.

* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 58-моддасининг «г» қичик бандида назарда тутилган имтиёз беқор қилинади.

Маҳаллада осудалик

БОЙОВУЛ ПОСБОНИ

Манғит шаҳридаги бу жойни Бойовул деганларича бор. Худуди кенг, аҳоли сони кўп. Худди шаҳар ичидаги шаҳарчадек. «Бойовул»да кўпланб йирик саноат корхоналари, ўқув юртлари, мактабгача тарбия муассасалари жойлашган.

Маҳалла посбони ўрта бўйли, серҳаракат, қорачадан келган йигит экан. У билан бафуржа турунлаша бошладик.


...1999 йили мени маҳалла посбонлигига сайлашган, деди у. - Кўни-қўшни, эл-юртдан беҳад миннатдорман, биринчи иш кунимданок яқиндан кўмак беришди. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктам Қурбонов, котиб Улғубек Собуров, хотин-қизлар кенгаши йўл-йўриқ кўрсатдилар. Файзулла Абдуллаев, Собир Нажмиддинов, Кўчқор ака сингари тадбиркорлар мени қўллаб-қувватлашди. Маҳаллада гиёҳвандликни йўқотишга киришганимда-чи, айтсам нишонмайсиз, болаларнинг ўзлари менга кўмак берди. Қандай дейсизми? Болала сир ётмайди. Улар билан тиллашиб, гиёҳвандларни аниқлаб олдим. Аввал отаналари тўхмат қилаяпсан, дейишди. Охири тушунишди. Икки йилда бу балодан Омонийнезни қўтариб олдик. Ўткир Ражабов ва Рустам Човдировлар эса ўз вақтида бу офатдан ўзларини четта тортишди.

Бу маҳаллада ўсмирлар ўртасидаги майда безорлик ва ҳуқуқбузарликлар илгарити йилларга нисбатан анча камайди. Бекор юрган ёшлар турли хунарларга жалб этилди. Буларнинг ҳаммасида маҳалла посбони Бахтиёрнинг ҳиссаси катта.

Бахтиёрнинг онаси 82 ёшли Шуқуржон момо ўз даврида жамоат арбоби бўлиб, эл-юртга меҳнати сингналардан экан. Посбонининг турмуш ўртоғи эса болалар боғчасида энага бўлиб ишляпти. Катта фарзанди Ислом мамлакатимиз Ички ишлар вазирига академиясининг магистратурасини тугатаяпти. Икром эса Ислом университетининг тўртинчи босқич талабаси. Ихтиёр акаси изидан борди Ички ишлар вазирига академиясининг биринчи босқичида таълим олаётди. Оллаёр ва Худойёрлар мактаб ўқувчилари.

Демак Бой овулик оқсоқоллар ўзларига посбон танлашда адашишмаган экан.

Асылбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.



А. ХАЙДАРОВ олган сурат

Ўзаро мулоқот

Наманган вилояти

Обод маҳалла йили дастури амалга

СОҒЛОМ ОИЛА - СОҒЛОМ АВЛОД НЕГИЗИ

Обод маҳалла йили дастури муносабати билан Наманган вилояти «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳудудий бўлими ва Наманган Давлат университети таянч маскани ҳамкорлигида ўтказилган «Соғлом оила - соғлом авлод негизи» деб номланган қизиқарли тадбирда талабалар, фойласуф, руҳшунос, педиатр, гинеколог мутахассислар иштирок этдилар.

Тадбир жараёнида вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳудудий бўлими директори Илҳомжон Мирзаев, Наманган шаҳар 2-туғруқхона гинеколог, педиатр ҳақимлари Дилбархон Қозокбоева, Лайло Саидаҳмедова, Шоҳиста Абдулаева-лар ўзаро мулоқот усулида ўтказилган суҳбат чоғида ёш оилаларни ташкил қилишнинг тиббий томонлари, хотин-қизлар саноатлиги ва унинг муҳофазаси, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларни соғломлаштириш, санитария ва гигиенасини давр талаби даражасига кўтариш каби бир қатор долзарб масалалар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Насрulloл ЮСУПОВ,
НамДУ катта ўқувчиси.

Навоий вилояти

Обод маҳалла йили тадбирлари

ВАТАНПАРВАРЛИК - ҚАЛБ ТУЙҒУСИ

Ватанпарварлик - маҳалладан бошланади, - дейди биз билан суҳбатда Хатирчи тумани мулоффага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбари Умар ака Пулатов.

Маҳаллалар билан янада кўпроқ ишлаш мақсадида бу ҳудудларда ўз аксизинингизни очмоқчимиз. Ҳозир айнан шу ишни Хонақа қишлоқ фуқаролар йиғини билан бошладик. Ўзбекистон тарихи ва Куролли кўчалари ҳақида кўргазмали бурчаклар ва семинарлар ташкил қилаймиз. Туманда 61 та бошланғич таълимнинг хизмат кўрсатаяпти. «Оммавий ватанпарварлик» ойлги давомида ҳаво миллионликлардан ортиқ мусобақаларини уюштирдик. Мактабларда уруш қанашчилари ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилдик. Хатирчи Агротерсия (касб-ҳунар) коллежида спортнинг ҳарбий-амалий турларидан қўқураш бўйича мусобақалар ўтказилди. Шунингдек 7-ўрта мактабда мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида воғта етмаганлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпқурш бўйича мусобақа ўтказилди. «Оммавий ватанпарварлик»

(Давоми, аввали 1-бетда)

Масалан, фуқаро Маликаҳон Сиддиқова 2002 йилда «Пахтабайнар» деҳқон-фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, 1,6 гектар ерга пиез экади. Унинг ушбу ердан хўжаликка 11 минг 325 килограмм пиез топшириши шартномада кўрсатилган. Лекин М.Сиддиқова ушбу пиезни йил охиригача топширмаган. Бунинг оқибатида у хўжаликка 453 минг сўм миқдорда модалий зарар етказган. Шунга қарамай М.Сиддиқова ушбу ер 2003 йилда ҳам пиез экиш учун тайёрлаб қўлди. Жамоатчилик назорати аъзолари бунга қаршилик кўрсатиб, махсус даволатнома тузишлари ва ишга туман прокуратураси орқали судга оширилди.

Фуқаро Мухсин Ашуров 4 гектар ердан шартнома бўйича хўжаликка 50 тонна пиез топшириши керак эди. Бироқ у 11 минг 930 килограмм пиез топширди, холос. Қолган пиезни топширишдан бош тортди. Унинг иши судга кўрилиб, қилмишига яраша жазоланди.

Еёвон шаҳарча фуқаролар йиғини жамоатчилик назорати гуруҳи томонидан туман марказий бозорда текшириш ўтказилганда бозорда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаётгани, сотувчиларга ливталар тўлиқ тарқатилмаганини ҳолатлари аниқланди.

Олтириқ шаҳарча фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчи назоратчилар аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг аҳоли, тўловларини ундириш ва ободчилик ишлари

тўқ қаршили бор.

Сўх туманидаги Пидиргон ва Демурса маҳаллалари фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати тартибда ўтказилган текширишда туман халқаштириш идорасининг назоратчиси И.Енбеков томонидан аҳолидан газ тўловини учун йилнинг 183 минг сўм пуд ўлаштирилгани фощ этилди ва қаралган қонунчилик ижроси юзасидан текшириш ўтказилганида Акмал Икромов номи, Ҳамид Олимжон номи, «Арсенф», «Беҳдизор» ширкат хўжаликларидея юқоридаги қонун талаблари қўпол равишда бузилаётгани маълум бўлди. Акмал Икромов номи ширкат хўжалиги ферма мудирини У.Икромов 16 бош сипирини 16 бош буюққа алмаштириб

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: МАҲАЛЛА УНГА БОШ-ҚОШ БЎЛМОҚДА

билан танишган вақтда Феруза, Дустлик ва Ўзбекистон ширкатлар уюшмаларига қаршил аҳоли яшайдиган 8 та кўп қаватли уй-жойларни саклаш, таъмирлаш ва атрофини ободлаштириш талаб даражасида эмаслигини маълум бўлди. Уй-жойларда яшовчилар билан коммунал хизмат бўйича шартнома тузилмади. Фуқароларнинг биргина исеклиқ миёна корхонадан 657 минг 700 сўмдан ортунга нисбатан жаний иш қўзғатилади.

Қувасой шаҳридаги ширкат хўжаликларидея Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Қонун ҳимда чорва ҳайвонлари бош сопирагининг қамайгани олдини олишга қўйгани фощ бўлди. Шу йўл билан хўжаликка салкам 2 миллион сўм миқдорда модалий зарар етказилган. Мазкур ҳолат бўйича хўжалик қорамончилик фермаси мудирини У.Юнусова нисбатан жаний иш қўзғатиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Ўзбекистон туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари қолидаги жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан ўтказилган текширишда аниқландики, тумандаги лочталюка бўлимлари хошимлари томонидан пенсияерларга бепул берилиши лозим бўлган шахсий пенсия дафтларчасида 50 сўмдан сопилаган. Шу йўл билан 20 минг 800 нафар пенсияердан бир миллион 400 минг сўм пуд тўлганган. Бу раёқоронун дарамад пенсияерларга қайтарилиши талаб қилиниб, тақдирнома киритилди.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Умуман, ўтган йилда ўзини ўзи бошқариш органлари қўшида ташкил қилинган жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан 4832 марта текшириш ўтказилган. Текширишлар кўни бўйича жойларга 505 та тақдирнома, 735 та талабнома юборилди. 464 миллион сўмликдан ортқ етказилган модалий ва минавий зарарини ундириш бўйича суд органларига 87 та даъво аризалари киритилди. 172 нафар фуқаронинг 22 ҳуқуқлари тикланди. Буларнинг 22 нафарини назорат ва яқса-ёйғиз қўриқлар ташкил қилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жамоатчилик назорати гуруҳлари фаолияти тобора кенгайиб, уларнинг таъсир доираси ортти боришти. Бунинг натижасида кейинги вақтларда вилоятда меҳнатқашларнинг юқори идораларга йўлланган ариза-шикоятлари миқдори, маълумоти ва ҳуқуқий тартибузарликлар сони кескин камайди. Оламларнинг ҳуқуқий саводхонлиги тобора ошди, бир-бирларига, давлатга нисбатан ишончи кучаймоқда. Кўпчилик жамоатчилик назорати давлат ишларига нисбатан қалқиб, кучли ва таъсирчан эканлигини амалда кўриб, унга тўла ишонч ҳолида қўйилгани бўлиб қолди.

Республикамиз Президентини Қайло Каримов ўз илтиҳосига йўллайди таъкидлаётганидек, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари бажаридиган вазифалар доираси тобора кенгайиб боради. Энг муҳими, аҳолининг истеъсолий ва илтимойий манфаатларини янада тулароқ инфоаллаш ҳамда жаний қўйишлар уларнинг ҳуқуқ ва мақсатларини янада ошириш юзасидан кўпроқ таъбирлар белгилаган. Бўлар ичида жамоатчилик назоратини янада қўйиштириш бош вазирга қўлиб қўйилган. Бу йўлдаги ташаббуш ва илтиҳонлар илтиҳон давом этилади.

Қувасойлик СОТНОВДИЕВ, Феруза вилояти прокуратурасини ўқувчи назорат бўлими прокурори.

ТУЗАТИШ:

Газетамизнинг шу йил 5 март сонидея эълон қилинган «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомнинг «Жадвал бўйича мусобақа ўтказиш» сарлавхали қисми ўзгаришлар билан қўйилганча ўқилин:

2003 йил 20 июль соат 10.00 дан 10.30 гача мусобақанинг тантанали очилиши.

Мусобақа 2003 йил 20 июль кўни соат 10.30 дан 16.00 гача бўлиб ўтади.

2003 йил 20 июль кўни соат 18.00 да голибларни тақдирлаш ҳамда мусобақанинг ёпилиши».

Кашкадарё вилояти
АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ...
Аёкчи маҳалласи фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқлар анча тарқоқ жойлашган. Шундай бўлсада, бу ерликлар бир-бирини қўлаб-қўватлашади, зарур ҳолларда ёрдам кўрсатишади.

Яқинда кам таъминланган ва муҳтож оилаларга 703 минг сум ҳажмида моддий ёрдам берилди. Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби бу ерда ҳам саховатпеша инсонлар томонидан Б.Машраб номли ўрта мактабда бунёдкорлик ишлари учун зарур маблағ ажратилди. Нормамал Назаров, нафақахўр Абдурахмон Пулатов, Незматхон Аҳмедов, Жаббор Тошмирзаев сингари фуқаролар ҳам ўзлари ишлаб топган даромаддан маълум қисмини маҳалла ободлиги учун ажратилди.

Айни дамда тadbиркорлардан саховатли инсонлар йиғини берган хайрия маблағлари Китоб тумани «Пахта банки»даги маҳалланинг ҳисоб рақамига ўтмоқда. Бу маблағ маҳаллани янада ободлаштириш ва турли маърифий тadbирларни ўтказиш учун ишлатилмоқда.


Маҳматмурод МАДИЕВ

Кўни-кўшилар уйимизга келиб қилмишларим тўғрисида ота-онамга арз қиларди. Бундай вақтларда дадам жаҳллари босолмасдан:

- Ҳой, нодон, ярамас! Хал, сенинг адабингни мен бир берадиган бўлсам-ми! - деб кулогимни чўзмоқчи бўлардилар. Кўп ҳолларда мен отамнинг қўлидан қочиб қутилардим. Баъзида қочолмасам, онамнинг бағрига югурардим. Онамнинг кучоқлари мен учун энг ишончли қалқон эди. Онам мени кучоғига маҳкам босиб олдилар, менга тегиши керак бўлган таёқ кўпинча оназоримнинг оёққўллари ва баданларига тегади. Шунда дадам ноилож бироз бўшади, дадамда яна ўз ишларига тушиб кетардилар. Мен олишим керак бўлган жазага шерик бўлган бояқиш онам, калтак тегиб кўкариб чиққан кўллари менга кўрсатиб:

- Қарагина ўғлим, агар мана шу калтак сенга текканда нима қилардинг? - деб бошимни силардилар. Шу сабабдан бўлса керак, онам менинг назаримда меҳрибонлик, яхшиликнинг намунаси бўлиб туяларди. Камгап, доим қовоғини солиб юрадиган дадам эса, аксинча жаҳддор, раҳмсиз кўриниб, онам билан қийсаларда унча суюмли эмас деб ўйлардим.

...Кўз кунларидан бири эди. Дадам қишга ўтин гамлаб олиш пайига тушган эдилар. Маҳалланинг юқо-



● Ҳикоя ●

ри тарафдаги бизга қарашли дала ерининг қирида бир туп катта жийда дарахти бор эди. Уни кесмоқчи бўлиб далага бордик. Акам дадамга ёрдамлашиб жийда дарахтининг остини кавлай бошлади. Акам уюлган тупроқнинг устига чиқиб, ик-

басидан худди темир арқон узилгандек чирсиллаган бир овоз чиқдида, дадамнинг: «Қоч!» деган бақирини билан баробар бир чўчиб, тупроқ устидан паства отилдим. Қарсиллаб йиқилган жийда дарахтининг тиконли шохлари сон-саноксиз урилган

Ҳожя АҲМАД, уйғур адиби.

қамчи зарбасидек баданларимга урилиб, мени ерга йиқитди. Бу даҳшатдан зўрадан ўзимга келиб ўрнимдан турган эдим, акамнинг:

- Дада, дада!.. - деган аянчли овозда йиғлаётганини эшитиб дастлаб, нима бўлганлигини билолмадим. Яхшилаб зехн солиб қараганимдан кейин дадамнинг бир оёғи жийда дарахтининг остидан қолганини кўриб, тўртан асосий ўқ илдизини кесиш керак. Кел, остини яна бироз кавлайлик...

- Мен шунгача бўлган вақтни ганимат бўлиб, тупроқ устида сочилиб ётган жийдаларни этагимга тера бошладим. Кучаниб урилган болганинг сўнгги зар-

лаган кўйи уй томонга югурдим. Қўрқанимдан эс-хушимни йўқотиб, жийда шохи тилиб юборган баданларимдан қон оқаётган кўйи уйга кираётганимни кўрган ойдим жуда кўрқиб кетдилар ва менинг пойманой гапларимни эшитиб,

Бусиз ҳам кўрқинч ичида титраб ўзимни зўра босиб турардим, шунинг учун ҳар қанча тиришмай ўпкамни босолмай хўнтраб йиғлаб юбордим.

Бу вақтда моштабиб ҳам етиб келди. Дадамни чалқанча ётқизиб, бир неча киши бошларини ва қўллари-ни маҳкам босиб туришти. Моштабиб оёқни бироз авайлаб, сийлаб қарагандан кейин, тўсатдан худди хўл новдани эгаётгандек қайирганда, дадамнинг аянчли нола-фарёди сўзкиндек қарсиллаган овозини босиб кетди...

Орадан кунлар ўтсада, дадамнинг оғриқлари босилмаган эди. Баъзида бироз тинчигандек бўлардилару, аммо кўзлари очик ётганлари ҳолда аллақандай сўзлар айтиб алаҳсирардилар. Бундай чоғларда мен ҳатто чуқурроқ нафас олишдан ҳам кўрқиб уйнинг бир бурчагида тиқилиб ўтирардим.

Ҳануз ўша-ўша бирдай инграб ётган дадамнинг алангалаган кўзлари бир пайт менга тушди-да, беҳол овозда пичирлаб: «Бери кел», - дедилар.

«Мана энди адабимни берадиган бўлдилар!» - деган хаёл билан ўрнимдан туришга ҳам ҳолим келмай, кизг устида чўкалаганча тизман билан сурилиб аста-секин дадамнинг ёнларига

яқинлашдим, аммо юзларига қарашга ботинолмаб, кўрқанимдан кўзларимни чирт юмиб олдим. Дадам титраб турган йирик бармоқлари билан бошимни силади, кўксига босди... Дадамнинг нафаслари билан йирик соқол-мўйларни юзимга урилиб, бошим уларнинг кўкракларига тегили ва ортидамоқ иссиқ ёш томчилари юзим узра оқиб тушди. Айни шу чоғларда қулоқларимни чўзиб юлиб олсалар ҳам ёки таёқ билан баданимни титилиб кетсунда ҳолатда келтириб ургандларда ҳам бунчалик йиғламаган бўлардим.

- Ҳечқиси йўқ, йиғлама, ўғлим! Ишқилиб сенга бирор қор-ўзи етишадан худонинг ўли сақлади, синганининг иши осон. Яна бироз кунлардан кейин бутунлай тузалиб кетаман, - деб менга яна тасалли бердилар. Шу тобда гўё менинг болалик қалбимда нималарнинг кечаётганлигини бутунлай тушуниб, кўриб тургандек эдилар.

Кейинроқ дадам тузалиб, яна ўз ишлари билан машғул бўлиб кетдилар. Аммо бўлиб ўтган ишларни эслатгандек, юрганларида бир оёқларини суздроброқ юрадиган бўлиб қолган эдилар.

Уйғурчадан
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН таржимаси.

Кўй (21.03-21.04)
Баҳор фасли таровати сизни ҳар бир ишта иждоий ёндошига ундайди. Шу кунлардаги аъло кайфиятингизни атрофингиздагиларга ҳам «юқтиришга» қарақат қилинг.

СИГИР (22.04-20.05)
Сизнинг шу кунлардаги тажарубингизга уй-жой ва кўчмас мулк билан боғлиқ айрим муаммолар сабаб бўлиши мумкин. Уларни қизиқчилик қилмасдан ечинг.

ЭГИЗҚАКЛАР (22.05-21.06)
Келаси чоршанбагача ўзингиз мўлжаллаган юмушларни тулақонди адо этиш учун сизда барча имкониятлар мавжуд. Шу кунларда омадингиз чопайди.

ҚИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Раҳбарият томонидан топширилган муҳим топшириқни астойдил бажариб, катта моддий ёрдам кўрсатишга ва ҳаммасларингиз олдига обрўйингиз ошиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Дам олиш кунларига ўта бандсиз. Лекин дам олиш кунлари меҳмондустлик фазилатларингизни намойиш этишнингизга тўғри келди, қўллаган меҳмонлар ташрифига бунга сабаб бўлади.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Шу кунларда тасодуфий учрашув туфайли бир маромада кесатган кунларингиз узача моҳият касб этиши мумкин. Бу ҳолатга бефарқ бўлмаган, лекин ортиқча ҳаяжонланманг ҳам.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Рўзгорингиз майда-чуйда ташвишлари билан бўлиб, атрофдаги фасл алмашинувини ҳам сезмай қолмоқдасиз. Дам олиш кунлари табият қўйнида ҳордик сизга куч бағишлайди.

ЧАЁН (23.10-21.11)
Шу кунларда фарзандларингизнинг таълим борасидаги ютуқлари сизни қувонтиради. Лекин катта чиқимдор бўлишингиз ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

УКОТАР (23.11-21.12)
Узоқ муддатдан бери харидингизни қилишингиз мумкин. Айни кунларда сизга фойдали тақдирлар бўлиши кутимолда, имкониятнинг бой берманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Кейинги пайтда зўриқиб ишлаганингиз туфайли ўзингизни анча толиқтириб қўйгансиз. Соғлигингизга эътибор беринг, керакли муолажалар айни пайтда сизга жуда зарур.

КОВҒА (20.01-18.02)
Узоқ муддат кўрмаган дўстларингиз билан учрашасиз. Устига устак у сизга ҳар томонлама фойдали тақдирнинг таклиф этиши мумкин. Ҳамкорлик натижаси яхши бўлиши мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)
Жамоат ишларида фаол бўлиш ўз икдорингизга бўлган ишонч-ни оширибгина қолмай, атрофдагиларнинг катта ҳурматига сазовор қилди.

МУНАЖЖИМЛАР
Мабарри

Сўфи ёки Хомушонни биламизми?

ИЛЁС МУЛЛА МУҲАММАД
ЎҒЛИ СУҒИ. *Ҳалигача иждои ва ҳаёти тўлиқ ўрганилмаб келинаётган бу шоир XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб иждо этган.*

У 1860 йилда Гурлан тумани худудиди, ҳозирги Эшимжирон қишлоғида дунёга келди. Илёс мадрасада 10-15 йиллаб моддий қийинчилик шароитида ҳаёт кечирди. Кейинчалик шоир ўз талабалик йиллари ҳақда:

Олам ичра зиндагонликдин бу овқат учун
Қилди нодонлар эшигда мени зору забун,
деб ёзганди.

Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Суғининг бизга иккита девони етиб келган. Лекин унинг бошқа асарлари ҳам турли жойларда, айрим кишиларнинг қўлида сақланиб келаётган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, шоирнинг иккинчи тахаллуси Мири Хомушон бўлиб, бу ном кенг жамоатчиликка ҳам, тадқиқотчилар ўртасида ҳам яхши маълум эмас. Чунки, хоразмлик шоирлар ҳаёти ва иждои ҳусусида анча кенг тадқиқотлар олиб борган шоир ва адабиётшунос олим Юнус Юсупов (Авёмий) ўзининг 1967 йилда нашр қилган «Хоразм шоирлари» асарига шундай ёзди:

«...Суғининг номи ҳам, унинг ўзига хос оригинал, сермазун ва дилрабо шеърлари ҳам кенг жамоатчиликка, адабиёт ҳаётига номаълум бўлиб келди.

«...Биз «Суғи» деган тахаллуста кўзимиз тушиши билан ХУШ, XIX ва XX аср бошлари шоирларига доир тақрирларни тараққий бошладик, бироқ ҳар бирида лоқайд Суғи деган номи учратмадик. Шундан кейин Хивада ёзилган китобат қилган кўпгина баёзларни кўздан кечирдик, уларда ҳам Суғини учратолмадик».

Ю.Юсуповнинг тадқиқотларидан сезилмади-

ки, Суғининг иккинчи тахаллуси унга ҳам номаълум бўлган. Мири Хомушон ибораси илк бора матбуотда Маҳмуд Ҳасановнинг 1993 йилда нашр қилган «Табобат дурдоналари» тўпламида тилга олинди. Тўпламга шоир Суғининг УЗФА Шарқшунослик институтида сақланаётган девонидан гуллар ва мевалар баҳсига бағишланган «Баҳорий» маснавийси киритилган.

Суғининг маъруз девонидан жой олган га-заллар унинг Ю.Юсупов ҳамда Фозил Зоҳидлар томонидан таржима қилиниб, китобат қилган 6000 мисрадан иборат бўлган девонига киритилган шеърлардан мавзу, шакл ва услуб жиҳатидан ҳам тамомила фарқ қилади. Биринчи девонидан асосан ишқий-ахлоқий ҳамда ижтимоий мавзудаги шеърлар ўрин олган бўлса, иккинчи девондаги маснавийлар моҳиятда илоҳийлик, замонавий тил билан айтганда фантастик ҳаёллар ётади:

Бориб бир чекадан назарим солдим,
Мевалар тортишиб қилур галаён.
Тол деди: «Соямда бир дам ўлтиргин,
Токи душманлардан етмайғи зибён.
Барча дардларга давоман ўзим,
Нокастар тошидан ҳаминча омон!

Суғи иждоининг узоқ йиллар эътибордан четда қолиб келиши, бутун миллий-адабиётшунослар юз берганидек, ўтмиш тоталитар тузум ва у юртдан гаиринглик, гаиринсоний сиёсат билан боғлиқ эди. Ота-боболаримизнинг асрий орузи - она юртимиз Мустақиллигини қўлга киритилганга, озми-қўпми Суғи номи ҳам матбуотимизда кўрина бошлади. Бироқ, ҳали бу шоирнинг иждоини мукамал ўрганиш учун Суғи ва у қолдирган адабий мерос адабиётшунос ва танқидчи олимларимизнинг тадқиқотларига муштоқ.

1. Ю.Юсупов. «Хоразм шоирлари». Тошкент. 1967 йил 44-бет.
2. М.Ҳасанов. «Табобат дурдоналари». Тошкент. 1993 йил, 390-бет.

Қолир МУЛЛАЕВ

Футбол: Ҷомиё чемпионлари лигаси

Рақибларимиз кучли, айниқса Эрон чемпионати пешқадамларидан бири «Пирузи» клубининг шашти биланд эди. Мусобақа бошланишидан аввал кўчликлик мутахассис ва журналистлар айнан ушбу жамоанинг ярим финал бериладиган ягона йўлнамасо ҳолига айланганини баёнорат этгандилар. Ким нима деса десину, «Пахтакор» ҳам анойилардан эмас. Бунга дастлабки босқичларда Виктор Жалилов шоирларига рўбарў келганлар амин бўлиб улгуриши, ахир.

Чорак финалнинг илк баҳсида майдонга тушган икки рақиб «Пахтакор» ва Туркманистон вақили «Ниса» уйини стадионда ёки ойнаи жаҳон орқали қўзғатган мухлисларга ким аслида ким эканини намойиш қилди.

«Пахтакор» — «Пирузи» - 1:0

Мана, ўзбекистонлик футбол мухлислари кутган кун ҳам етиб келди: диёримизга катта футбол ташири буюрди. Баҳорнинг илк кунлари ҳар бир ишқибознинг кўнглидан кечган дастлабки фикр-мулоҳазалар «Пахтакор»нинг Ҷомиё чемпионлари лигаси (ОЧЛ) чорак финалидаги иштироки билан боғлиқлиги ўз-ўзидан ташуварли, албатта.

Мавсумнинг дастлабки уйини экани тўғрисидаги жамоатчилик ўзгаришлар мухлисларни қизиқтирган табиий: «Анджон»дан Бахтиёр Ҳамидуллоев, Украинанинг «Борисфен»дан Александр Крохмаль ва «Қизилқум»дан Алексей Николаев «Пахтакор»нинг асосий таркибига ўзига хос ўрин эгаллашга улгуриши. «Ниса» билан баҳсда уларнинг ҳар бири мураббий ва ишқибозлар ишончини оқшати. Россияга кетиши амалда нақд бўлиб қолган Бахтиёр Ашурматов қўлдан жамоатига ҳамон ёрдам беришининг улдасидан чиқмоқда. «Пахтакор» бош мураббийи Виктор Жалиловнинг учрашувлан сўнг ўтказилган мабуот анжуманида эътироф этишича, командамизнинг энг тажрибали футболчиси Миржалол Қосимовнинг иккинчи таймда майдонга туширилиши аввалдан режалаштирилган экан. Умуман олганда, команда танилаган тактика ўзини оқлади. Қанотлардан

ташқил этилган ҳужумлар рақибларни мураккаб аҳволга солиб қўйди ва учрашувнинг бор-йўғи 3:0 ҳисоби билан тузагани учун меҳмонлар хурсанд бўлишса арзийди.

Дастлабки турнинг иккинчи баҳсида голибликка даъвогар саналган икки рақиб орани очини лозим эди. Эроннинг «Пирузи» ва Ироқнинг «Ал-Талаба» командалари баҳсида эронликлар ҳужумкор ўйин намойиш қилиши, ҳужумда нималарга қодир эканлигини кўрсата олмасда, теҳронликлар галаба қозонишга муваффақ бўлиши. Яёғ Гулмуҳаммади 62-дақиқада киритган ягона гол «Пирузи»га муҳим 3 оққони ҳая қилди.

«Пахтакор»дан маълумият аламини топишга мажбур бўлган «Ниса»

ва «Ал-Талаба» ўзаро куч синашиши. Туркманистонликлар яна 0:3 ҳисобиди енгилиши. Боғлиқлик Юнус Халиф ушбу учрашувда икки тўп киритиб, мухлислар олқашига сазовор бўлди.

Гуруҳ голиби ким бўлишига мезбонларнинг эронлик футболчилар билан баҳси кўп жиҳатдан аниқлиб киритиши қутилган эди.

Шундай қилиб кутилганидек, «Пахтакор» ва «Пирузи» жамоалари ўйини 50 минг томошабин кўз олдиди катта ҳаяжонларга бой бўлди. Уйин тақдирини эса «Пахтакор»чи А.Солиевнинг чиройли тўпи қилди 1:0 «Пахтакор» ўз имкониятлари билан ярим финалга қолган жамоаларга нисбатан жуда яқин бўлиб олди. Лекин, майдон текис тўп думалоқ.

Мирзахўям ТўХТАМИРЗАЕВ

Харидунгуз учун кўмак!

Пойтахт бозорларидаги айрим сабзавот ва бошқа маҳсулотларнинг ўртacha нархларининг бугунги кундаги ҳолати

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ	БОЗОРЛАР									
	Эски Жўза		Олой		Фарҳод		Юнус обод		Бектемир	
	min	max	min	max	min	max	min	max	min	max
Картошка	200	300	260	350	240	350	250	350	180	290
Пийёз	100	250	100	300	75	250	100	275	85	200
Карам	300	450	400	500	350	500	300	450	250	350
Сабзи	100	250	100	250	60	250	100	250	75	200
Помидор	600	1600	500	1500	400	1300	500	1300	350	1200
Бодиринг	900	1500	900	1500	800	1400	800	1500	800	1200
Саримсоқ п.	850	1300	700	1700	600	1400	750	1500	750	1200
Шолғом	100	150	75	100	60	100	60	100	75	100
Олма	300	1500	350	1300	275	1200	300	1300	200	1100
Нок	350	1300	500	2300	450	1800	500	2000	300	1000
Анор	500	2300	800	3000	600	2500	700	2000	350	1000
Лимон (дона)	70	350	100	350	60	300	50	250	50	300
Ёнғоқ	800	1900	850	2300	800	2000	850	2000	900	1800
Ерёғоқ	750	1200	900	1300	850	1200	850	1300	750	1000
Кишмиш	900	3000	1000	3500	850	3000	850	3500	850	2400
Мол гўшти	1700	2200	2000	2400	2000	2300	2100	2400	1700	2100
Кўй гўшти	2000	2500	2300	2600	2300	2500	2400	2700	2300	2600
Тухум (10д.)	550	900	550	1000	500	1000	550	1000	550	850
Сут. (л.)	250	300	250	300	250	300	250	300	200	300
Саринё	3500	3600	3000	3500	3100	3500	3200	3500	3300	3400
Гуруч	450	850	500	1500	500	1300	500	1400	360	800
Мош	300	500	350	450	350	450	350	500	275	350
Нухат	350	450	400	450	350	500	400	500	300	400

Наблюдательный совет ОАО «ОНИКС»
объявляет о проведении годового общего собрания акционеров
11 апреля 2003 года в 16:00., по адресу г.Ташкент, ул. Мирпулатова, 51

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение отчета правления о результатах деятельности ОАО «ОНИКС» за 2002 год и годового бухгалтерского баланса.
2. Утверждение заключения ревизионной комиссии по результатам годовой проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО за 2002 год.
3. Заключение аудиторской проверки и его утверждение.
4. Распределение прибыли за 2002 г.
5. Утверждение бизнес плана на 2003 год.
6. О продлении договора найма с председателем правления.
7. До выборы в члены Наблюдательного совета.
8. Внесение изменений и дополнений в устав согласно Указа Президента Республики Узбекистан № УП -3202 от 24.01.2003г.

Реестр акционеров закрывается на 11 марта 2003 г. Список акционеров, имеющих право участвовать в общем собрании, составлен на 11 марта 2003 г.

С информацией акционеры могут ознакомиться в правлении общества по указанному адресу.

Регистрация акционеров проводится с 14 часов до 15 часов, акционеры при себе иметь паспорт, а представителям акционеров - паспорт и доверенность, заверенную нотариально.

Mahalla
Бош мухаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Тахрир хайъати:
Аъзам ГАДОЙБОВЕВ, Акмал САЙДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОВЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош мухаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат УРАЗАЕВ, Тавнабедра ҚУРБОНОВ, Эркин ФУЛОМОВ.

Маъсул котиб: Аслиддин БҲРИЕВ
Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Маъсул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8415 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-208 Топширилди 23.00